Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ушбу Шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади.

21-модда.

Бошқа халқаро шартномаларга муносабат

Ушбу Шартноманинг қоидалари Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзлари иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига даҳл қилмайди.

22-модда.

Яқунловчи қоида

1. Ушбу Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрликлари алмашилгандан сўнг ўттизинчи куни кучга киради.

2. Шартнома ноаниқ муддатга тузилади. Ушбу Шартноманинг амал қилиши Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг шартнома амал қилишини бекор қилиш мақсади тўғрисида ёзма билдиришини олган санадан олти ой ўтиши билан тугатилади.

Тошкент шаҳрида 2009 йил 25 февралда икки нусхада ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, шу билан бирга барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Шартнома қоидаларини шарҳлашда келишмовчиликлар пайдо бўлганда рус тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

ДОГОВОР
между Республикой Узбекистан и Туркменистаном
о передаче лиц, осужденных к лишению свободы, для
дальнейшего отбывания наказания

Ташкент, 25 февраля 2009 года

Ратифицирован Законом Республики
*Узбекистан от 17 декабря 2009 года № ЗРУ-234**

*(Вступил в силу 18 апреля 2010 года)***

Республика Узбекистан и Туркменистан, именуемые далее Договаривающимися Сторонами,

исходя из принципов государственного суверенитета, равноправия и взаимного уважения,

основываясь на нормах международного права и желая развивать межгосударственное сотрудничество в области уголовного права,

полагая, что возможность отбывать наказание в государстве своего гражданства лицами, осужденными к лишению свободы, способствует более эффективному достижению целей исправления и возвращения правонарушителей к нормальной жизни в обществе,

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009 г., № 50-51, ст. 533.

** Нота МИД Туркменистана от 14 мая 2009 года № 05/2161 о ратификации Постановления Меджлиса Туркменистана от 18 апреля 2009 года № 38-IV.

19 марта 2010 года подписан Протокол об обмене грамотами о ратификации.

руководствуясь принципами гуманизма и уважения прав человека,
договорились о нижеследующем:

Статья 1

Определение терминов

1. Для целей настоящего Договора нижеуказанные термины означают:

а) «государство вынесения приговора» — Договаривающаяся Сторона, судом которой вынесен приговор об осуждении лица к наказанию в виде лишения свободы;

б) «государство исполнения приговора» — Договаривающаяся Сторона, которой передается для дальнейшего отбывания наказания лицо, осужденное к лишению свободы;

в) «осужденный» — лицо, осужденное судом одной из Договаривающихся Сторон за совершение преступления к наказанию в виде лишения свободы;

г) «близкие родственники» — лица, являющиеся таковыми в соответствии с законодательством каждого из Договаривающихся Сторон;

д) «законные представители» — признанные таковыми в порядке, установленном законодательством каждой из Договаривающихся Сторон;

е) «центральные органы»:

— Генеральная прокуратура Республики Узбекистан;

— Генеральная прокуратура Туркменистана;

ж) «компетентные органы» — органы Договаривающихся Сторон, исполняющие решения о передаче осужденного.

2. По всем вопросам исполнения настоящего Договора центральные органы Договаривающихся Сторон сносятся друг с другом непосредственно.

Статья 2

Общие принципы сотрудничества

1. Договаривающиеся Стороны могут согласно условиям настоящего Договора передавать по просьбе друг друга осужденных, отбывающих наказание в местах лишения свободы за совершение преступлений на территории государства вынесения приговора и имеющих гражданство другой Договаривающейся Стороны, для отбывания наказания в государстве исполнения приговора.

2. Просьба о передаче осужденного может исходить как от государства вынесения приговора, так и от государства исполнения приговора.

Статья 3

Основание для возбуждения процедуры передачи осужденного

Основанием для возбуждения процедуры передачи осужденного Договаривающейся Стороне, гражданином которой он является, служит заявление этого лица, или его близких родственников, или его законного представителя, направленное центральному органу любой из Договаривающихся Сторон.

Статья 4

Запрос о передаче осужденного и необходимые документы

1. Запрос о передаче осужденного составляется в письменной форме и к нему прилагаются:

а) сведения о личности осужденного (фамилия, имя, отчество, дата и место рождения);

б) документ, подтверждающий гражданство осужденного;

в) текст статей уголовного закона, на основании которого осуждено лицо;

г) письменное заявление осужденного или в случаях, предусмотренных подпунктом «в» пункта 1 статьи 5 настоящего Договора — его законного представителя, о согласии на передачу;

д) удостоверенные копии приговора и имеющихся по делу решений вышестоящих судебных органов, документов о вступлении приговора в законную силу;

е) документ об отбытой части наказания и той части наказания, которая подлежит дальнейшему отбыванию;

ж) документ об исполнении дополнительного наказания, если оно было назначено;

з) медицинское заключение о состоянии здоровья и сведения об особенностях поведения осужденного;

и) сведения о возмещении материального ущерба, причиненного преступлением, за которое лицо осуждено, с указанием размеров возмещенной и оставшейся частей;

к) сведения о наличии или отсутствии у осужденных других исполнительных документов.

В случае необходимости, центральный орган Договаривающейся Стороны, гражданином которой является осужденный, может запросить дополнительные документы или сведения.

2. Все перечисленные документы должны быть подписаны уполномоченным на то лицом компетентного органа государства вынесения приговора и заверены гербовой печатью.

Статья 5

Условия передачи осужденного

1. Осужденный может быть передан согласно настоящему Договору при наличии следующих условий:

а) если он является гражданином государства исполнения приговора;

б) если приговор вступил в законную силу;

в) если на передачу согласен осужденный либо, принимая во внимание его возраст, физическое и (или) психическое состояние, законный представитель осужденного считает это необходимым;

г) если деяние, за которое был вынесен приговор, является преступле-

нием согласно законодательству государства исполнения приговора и влечет за собой наказание в виде лишения свободы;

д) если государство вынесения приговора и государство исполнения приговора согласны на передачу осужденного.

2. О возможности передачи и ее юридических последствиях осужденному либо его законному представителю должно быть разъяснено должностными лицами компетентных органов государства вынесения приговора.

Статья 6

Основания для отказа в передаче осужденного

1. В передаче осужденного может быть отказано, если:

а) это может нанести ущерб интересам одной из Договаривающихся Сторон;

б) на момент получения просьбы о передаче срок лишения свободы, который осужденному еще предстоит отбыть, составляет менее шести месяцев;

в) если не возмещен материальный ущерб, причиненный преступлением;

г) запрашивающей Договаривающейся Стороной надлежащим образом не выполнены требования статьи 4 настоящего Договора.

2. В исключительных случаях, Договаривающиеся Стороны могут согласиться на передачу осужденного, даже если ему остается отбывать меру наказания менее шести месяцев или если материальный ущерб, причиненный преступлением, возмещен не в полном объеме.

Статья 7

Решение по запросу о передаче осужденного

Решение о согласии или отказе по поступившему запросу о передаче осужденного принимается мотивированным постановлением центрального органа Договаривающейся Стороны не позднее месячного срока со дня получения документов, перечисленных в статье 4 настоящего Договора. О принятом решении в письменной форме сообщается центральному органу Договаривающейся Стороны, направившему запрос или лицу, обратившемуся с заявлением о передаче.

Статья 8

Процедура передачи осужденного

1. В случае удовлетворения просьбы о передаче, компетентные органы Договаривающихся Сторон договариваются между собой о месте, времени и процедуре передачи осужденного.

2. Процедура передачи осужденного включает составление в двух экземплярах протокола о передаче, подписываемого представителями Договаривающихся Сторон. При необходимости полномочия представителей Договаривающихся Сторон на получение осужденного могут подтверждаться

соответствующими документами, согласно предварительной договоренности между Договаривающимися Сторонами.

Статья 9 **Расходы**

Все расходы, связанные с передачей осужденного, кроме тех, которые возникли исключительно на территории государства вынесения приговора, несет государство исполнения приговора.

Статья 10 **Исполнение наказания**

1. Государство исполнения приговора обязано обеспечить исполнение приговора в полном объеме, руководствуясь при этом своим законодательством.

2. Государство исполнения приговора обеспечивает продолжение отбывания наказания в соответствии со своим законодательством, не ухудшая положения осужденного. Вопросы, связанные с исполнением приговора суда другой Договаривающейся Стороны определяются по законодательству каждой из Договаривающихся Сторон.

3. Назначенное осужденному наказание отбывается на основании приговора суда государства вынесения приговора. Суд государства исполнения приговора, исходя из вынесенного приговора, принимает решение об его исполнении.

4. Если по законодательству государства исполнения приговора за данное деяние предельный срок лишения свободы меньше, чем назначенный по приговору, суд государства исполнения приговора определяет максимальный срок лишения свободы, предусмотренный законодательством этого государства за такое же деяние.

5. Решение об исполнении дополнительного наказания принимается судом государства исполнения приговора, если такое наказание за совершенное деяние предусмотрено законодательством этого государства.

Статья 11 **Уведомление о решении суда**

Центральный орган государства исполнения приговора уведомляет центральный орган государства вынесения приговора о решении суда об исполнении приговора, принятом в соответствии со статьей 10 настоящего Договора.

Статья 12 **Помилование и амнистия**

Каждая Договаривающаяся Сторона вправе применять к переданному осужденному помилование или амнистию, уведомив при этом другую Договаривающуюся Сторону.

Статья 13 **Компетенция судов**

1. Пересматривать приговор в части его законности и обоснованности в отношении переданного осужденного правомочен только суд государства вынесения приговора.

2. В случае пересмотра приговора центральный орган государства его вынесения незамедлительно направляет государству исполнения приговора заверенную копию решения суда, которым отменен или изменен приговор.

3. Если после передачи осужденного для отбывания наказания, приговор в государстве его вынесения отменен и предусмотрено новое расследование или судебное разбирательство, копия решения об этом, материалы уголовного дела и другие материалы по результатам проведения необходимых процессуальных действий, возможных в отсутствие осужденного, направляются государству исполнения приговора для осуществления уголовного преследования по законодательству этого государства.

4. В случае прекращения уголовного дела по результатам дополнительного расследования по реабилитирующим основаниям, ущерб, причиненный лицу необоснованным привлечением к уголовной ответственности, возмещается государством вынесения необоснованного приговора.

5. Если после передачи осужденного для отбывания наказания приговор государством его вынесения изменен, копия решения об этом и другие необходимые документы направляются центральному органу государства исполнения приговора. Суд государства исполнения приговора разрешает вопрос об исполнении такого решения в порядке, предусмотренном статьей 10 настоящего Договора.

Статья 14 **Правовые последствия передачи осужденного**

1. В отношении лица, переданного для отбывания наказания государству исполнения приговора, наступают такие же правовые последствия осуждения, как и в отношении лиц, осужденных на территории этого государства за совершение такого же деяния.

2. Лицо, переданное для исполнения приговора, вынесенного судом другой Договаривающейся Стороны, не может быть вновь привлечено к уголовной ответственности на территории государства исполнения приговора за то же деяние, в связи с которым был вынесен вступивший в законную силу приговор.

Статья 15 **Транзитная перевозка**

1. Каждая из Договаривающихся Сторон при наличии соответствующей просьбы может разрешить транзитную перевозку по своей территории осужденного, переданного другой Договаривающейся Стороне третьим государ-

ством. При этом обеспечиваются необходимые правовые условия содержания осужденного под стражей.

2. Настоящее положение не применяется в случае использования воздушного транспорта, когда не планируется посадка на территории другой Договаривающейся Стороны.

3. В случае незапланированной посадки воздушного судна Договаривающаяся Сторона, над территорией которой осуществляется полет, может по просьбе представителей другой Договаривающейся Стороны, сопровождающих осужденного, содержать это лицо под стражей в течение 72 часов до получения просьбы о транзитной перевозке, представляемой в соответствии с пунктом 1 настоящей статьи. Такая просьба может быть передана с помощью технических средств связи, включая телеграф, телекс, телефакс, электронную почту.

4. Расходы, связанные с осуществлением транзитной перевозки осужденного, несет Договаривающаяся Сторона, обратившаяся с просьбой о такой перевозке.

Статья 16

Ответственность за незаконное осуждение

1. Ответственность за незаконное осуждение лица несет государство вынесения приговора.

2. Возмещение вреда, причиненного незаконным осуждением, осуществляется в соответствии с законодательством Договаривающихся Сторон и положениями настоящего Договора.

Статья 17

Разрешение споров

Споры, возникающие в связи с толкованием или применением настоящего Договора, разрешаются путем консультаций и переговоров между центральными органами Договаривающихся Сторон.

Статья 18

Языки двустороннего сношения

1. При исполнении настоящего Договора Договаривающиеся Стороны пользуются своими государственными языками или русским языком.

2. К документам, исполненным на государственных языках Договаривающихся Сторон, прилагаются заверенные переводы на русский язык.

Статья 19

Действие Договора

1. Действие настоящего Договора распространяется и на лиц, осужденных судами Договаривающихся Сторон до вступления Договора в силу.

2. Положения настоящего Договора равно применяются к лицам без гражданства, постоянно проживающим на территории одной из Договариваю-

щихся Сторон, в случае их осуждения к лишению свободы судом другой Договаривающейся Стороны.

Статья 20
Внесение изменений и дополнений

По взаимному согласию Договаривающихся Сторон, в настоящий Договор могут вноситься необходимые изменения и дополнения, которые будут оформляться отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Договора.

Статья 21
Отношение к другим международным договорам

Положения настоящего Договора не затрагивают прав и обязательств Договаривающихся Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

Статья 22
Заключительное положение

1. Настоящий Договор подлежит ратификации и вступает в силу на тридцатый день после обмена ратификационными грамотами.

2. Договор заключается на неопределенный срок. Действие настоящего Договора прекращается по истечении шести месяцев с даты получения одной из Договаривающихся Сторон письменного уведомления другой Договаривающейся Стороны о намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Ташкенте 25 февраля 2009 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, туркменском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

При возникновении разногласий в толковании положений настоящего Договора за основу принимается текст на русском языке.

(подпись)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон
Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида уларнинг божхона
органларига ўзаро кўмаклашиш тўғрисида
БИТИМ**

Исломобод, 2001 йил 25 январь

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2001 йил 15 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган*

*(2010 йил 16 майдан кучга кирди)**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

божхона қонунларининг бузилиши ўз мамлакатларининг иқтисодий, молиявий ва тижорий манфаатларига зиён етказди, деб ҳисоблаб,

божхона божлари, солиқлари ва бошқа тўловларнинг аниқ белгиланиши, тақиқлаш, чеклаш ва назоратга доир чораларни қабул қилиш муҳимлигини тушуниб,

божхона қонунларини қўллаш ва уларга риоя қилишда халқаро ҳамкорлик зарурлигини эътироф этиб,

божхона қонунларини бузишнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар улар божхона органларининг қалин ҳамкорлигининг янада самарали воситаси бўлишига ишониб,

Бутунжаҳон божхона ташкилоти Божхона ҳамкорлиги кенгашининг Ўзаро маъмурий кўмаклашиш тўғрисида 1953 йил 5 декабрдаги Тавсияларини эътиборга олиб,

шунингдек, муайян товарларга нисбатан тақиқлар, чеклашлар ва махсус назорат чоралари юзасидан халқаро конвенцияларни назарда тутган ҳолда,

кўйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

**1-модда
Атамалар**

Ушбу Битимда:

1. «Божхона қонунлари» атамаси божхона маъмуриятлари томонидан товарлар импортига, экспортига, транзитига ва уларни ҳар қандай божхона режимига солинишига, бунга тақиқлаш, чеклаш ва назорат қилиш ҳам кирди, нисбатан қўлланадиган ва риоя қилинадиган қонунлар, қонунга доир ва норматив ҳужжатларни англатади;

2. «Божхона ҳуқуқбузарлиги» божхона қонунларини исталган тарзда бузиш ёки бузишга уринишни англатади;

3. «Божхона божлари ва солиқлари» атамаси товарлар импорти ва экс-

* Покистон Ислом Республикаси Элчихонасининг 2010 йил 15 апрелдаги 4/2010-сонли нотаси.

порти чоғида ёки шунга боғлиқ равишда ундириладиган божхона божлари ва бошқа барча бождлар, солиқлар ва йиғимларни англатади, қиймати кўрсатиладиган хизматлар қийматига тахминан тенг чекланган йиғимлар бундан мустасно;

4. «Божхона маъмурияти» атамаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан — Давлат божхона кўмитасини, Покистон Ислom Республикасига нисбатан — Даромадлар Марказий Бошқармасини англатади;

5. «Шахс» атамаси ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсни англатади;

6. «Ахборот» атамаси ҳар қандай маълумотни, ҳужжатни, ҳисоботни, уларнинг тасдиқланган ёки бир хил нусхалари ёхуд бошқа маълумотларни англатади;

7. «Оператив маълумотлар» атамаси божхона ҳуқуқбузарлиги юз берганда тегишли равишда қўлланадиган ишланган ёки таҳлил этилган ахборотни англатади;

8. «Сўровчи маъмурият» атамаси кўмаклашишни сўраб мурожаат қилатган божхона маъмуриятини англатади;

9. «Сўралаётган маъмурият» атамаси кўмаклашиш сўралаётган божхона маъмуриятини англатади.

2-модда

Битимни қўллаш соҳаси

1. Ушбу Битим доирасида ҳар иккала Томон ўз миллий қонунлари ва ваколати ҳамда божхона маъмуриятларининг мавжуд имкониятлари даражасида кўмаклашади.

2. Божхона маъмуриятлари ушбу Битим доирасида божхона қонунларини рисоладагидек қўллаш ҳамда божхона ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, тафтиш этиш ва унга қарши курашишда ҳамкорлик қиладилар ва бир-бирига ўзаро кўмаклашадилар. Бундай кўмаклашиш барча юридик, маъмурий ва бошқа суд ишлаб чиқаришига тақдим этилиши мумкин.

3. Ушбу Битим фақат Томонлар ўртасида ўзаро маъмурий кўмаклашишни амалга оширишга мўлжалланган; ушбу Битимнинг қоидалари бирон-бир алоҳида шахсга ҳар қандай далилни олиш, яшириш ёки йўқ қилиш, шунингдек сўровни бажаришга тўсқинлик қилиш ҳуқуқини бермайди.

3-модда

Кўмаклашиш соҳаси

1. Сўровга биноан ёки Сўровчи маъмуриятининг ўз ташаббусига кўра Сўралаётган маъмурияти божхона қонунларига риоя қилинишини таъминлашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ахборотни беради, жумладан:

а) божхона божлари, солиқ ва йиғимларини ўринли равишда солишни таъминлашга;

б) товарлар қийматини божхона мақсадлари учун аниқ белгилаш, шунингдек нотўғри тўлдирилган декларацияларни аниқлаш;

с) товарларнинг тўғри тариф таснифоти ва келиб чиқишини аниқлаш;

d) сертификатлар, ҳисоблар ҳамда бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш ёки улардаги хато ва бузилишларни белгилаш.

2. Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорлик қўйидаги ахборотларни ҳам ўз ичига олади:

a) божхона ҳуқуқбузарлигининг олдини олишда фойдаси тегиши мумкин бўлган ҳуқуқни химоя қилиш ҳаракатлари, хусусан, божхона ҳуқуқбузарлигига қарши курашишнинг алоҳида методларига оид;

b) божхона қонунбузарлигини амалга оширишнинг янги методларига оид;

c) божхона ҳуқуқбузарлигига қарши курашда янги техникавий воситалар ва методларни қўллашда қўлга киритилган тажриба ва муваффақиятларга оид; ҳамда

d) йўловчилар ва юкларни расмийлаштиришнинг янги усул ва методларига оид.

4-модда

Назоратни амалга оширишда кўмаклашиш

1. Сўровчи маъмуриятининг сўровига кўра Сўралаётган маъмурияти Сўровчи маъмуриятига қўйидагилар борасида ахборот беради:

a) Сўровчи маъмуриятнинг юк учун берилган божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилган расмий ҳужжатларнинг мувофиқлиги;

b) Сўровчи маъмуриятнинг давлати ҳудудига олиб кириладиган товар ҳақиқатан ҳам Сўралаётган маъмуриятнинг давлати ҳудудидан қонуний экспорт қилинаётганлиги ёки йўқлиги;

c) Сўровчи маъмуриятнинг давлати ҳудудидан олиб чиқиладиган товар Сўралаётган маъмуриятнинг давлати ҳудудига чиндан ҳам импорт қилинаётганлиги ёки йўқлиги.

2. Бундай ахборотда товарларни божхона тозаловидан ўтказишда қўлланиладиган божхона процедуралари ҳам кўрсатилиши лозим.

5-модда

Ахборотнинг махфийлиги

1. Сўровчи маъмуриятига бериладиган ҳар қандай ахборот ёхуд ошиғич маълумот махфийлик режимида бўлади ва улардан фақат ушбу Битимда кўрсатилган мақсадлардагина фойдаланилади. Уларни қабул қилиб оладиган Сўровчи маъмурият ҳам ўз давлатида шу каби ахборот ва ошиғич маълумотларга жорий этиладиган муҳофаза воситалари ва расмий махфийлик даражасини жорий этади.

2. Бундай ахборот ва ошиғич маълумотдан фақат текширув ўтказилганида, маъмурий ёки суд ишлаб чиқаришида фойдаланилиши мумкин.

3. Ушбу Битим доирасида шахслар тўғрисида маълумот алмашинганида Сўровчи маъмурият улардан фақат муайян мақсаддагина ҳамда Сўралаётган маъмурият қўйган ҳар қандай талабга амал қилинган ҳолдагина фойдаланилишига йўл қўядилар.

4. Сўровчи маъмурият Сўралаётган маъмурияти билан олдиндан кели-

шиб олмасдан туриб, ушбу Битим доирасида олинган ашёвий далил ҳамда ахборотдан сўровда кўрсатилганидан бошқа мақсадда фойдаланмайди.

6-модда **Кўмаклашишни рад этиш**

1. Сўралаётган маъмурият сўровни бажариш унинг давлати суверенитети, хавфсизлиги ҳамда бошқа ўта муҳим миллий манфаатларига зиён етказди ёки саноат, тижорат ёхуд профессионал сирларга дахл қилади, деб ҳисобласа, у кўмаклашишни рад этиши ёки муайян шартлар ва талабларга амал қилинганидагина кўмаклашиши мумкин.

2. Кўмаклашиш тўғрисидаги сўров рад этиладиган бўлса, Сўровчи маъмуриятга бунинг сабабини кўрсатиб, ёзма равишда хабар берилади.

3. Сўровни бажариш ўтказилаётган текширув, жазо ёки процессни амалга оширишга халақит берадиган бўлса ҳам Сўралаётган маъмурият кўмаклашишни рад этиши мумкин. Бундай ҳолларда Сўралаётган маъмурият Сўровчи маъмурият билан кўмаклашиш Сўралаётган маъмурият қўйиши мумкин бўлган муайян талабларга амал қилинган ҳолда сўровни бажаришга кўмаклашиш мумкинлиги тўғрисида маслаҳатлашув ўтказилади.

4. Сўровчи маъмуриятнинг ўзи Сўралаётган маъмуриятдан худди шундай сўровнома олинган тақдирда уни бажаришга қодир бўлмаса, у ўз сўровида бунга эътибор қаратиши лозим. Бундай сўровни бажариш-бажармаслик Сўралаётган маъмуриятнинг ихтиёрида бўлади.

7-модда **Сўровни бериш**

1. Кўмаклашиш тўғрисидаги сўровнинг шакли ва мазмуни:

а) ушбу Битимга мувофиқ сўровлар ёзма равишда юборилади. Бундай сўровларни бажариш учун зарур ҳужжатлар сўровга илова қилинади. Зарурат туғилса, шошилиш ҳолларда ошиғич сўровлар ҳам қабул қилинади, бироқ улар дарҳол ёзма шаклда тасдиқланиши лозим;

б) ёзма равишдаги сўровлар инглиз тилида битилади. Бундай сўровларга илова этилаётган ҳар қандай ҳужжатлар ҳам, лозим бўлса, инглиз тилига таржима қилинади.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўзда тутилган сўровлар қуйидаги ахборотни ўз ичига олади:

а) сўровчи маъмурият;

б) сўралаётган кўмакнинг тарзи;

с) сўровдан мақсад ва унинг сабаби;

д) агар маълум бўлса, кўриб чиқиладиган ишга жалб этилган Томонларнинг номи ва манзили;

е) кўриб чиқиладиган ишнинг қисқа тафсилоти ва кўтариладиган ҳуқуқий меъёр, ҳамда

ф) сўралаётган кўмак билан уни тақозо этаётган иш орасидаги боғлиқлик.

3. Кўмак тегишли Божхона маъмуриятлари орасидаги тўғридан-тўғри алоқа орқали бевосита берилади.

Сўралаётган маъмурият сўровни ўзи қондиришга қодир ташкилот бўлма-са, тегишли маслаҳатлашувлардан кейин, ё уни амалдаги қонунларга мувофиқ, ўз ваколати доирасида бажара оладиган тегишли ташкилотга беради ёки бундай сўровнинг бажарилиши учун амал қилиниши лозим бўлган процедурани кўрсатиб, Сўровчи маъмуриятни хабардор қилади.

4. Ҳар қандай божхона маъмуриятининг муайян процедурани бажариш тўғрисидаги сўрови сўралаётган Томоннинг миллий, ҳуқуқий ва маъмурий низомларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Божхона маъмуриятлари ушбу Битимни бажариш мақсадида бундай алоқани рўёбга чиқаришга масъул бўлган ходимларни тайинлайдилар ва уларнинг номи, лавозими, телефон ва факс номерлари рўйхатини алмашлайдилар. Улар ўз текширув бўлинмалари ўртасида бевосита алоқани йўлга қўйишлари мумкин.

8-модда **Сўровни бажариш**

1. Сўралаётган маъмурият ўз миллий қонунларига мувофиқ, сўровни қоникарли муддатларда бажариш учун мақбул тадбирларни амалга оширади.

2. Сўралаётган маъмурият Сўровчи маъмуриятнинг сўровига биноан ҳар қандай зарур сўровларни амалга оширади, жумладан экспертлар ҳамда гувоҳларни, ёхуд божхона ҳуқуқбузарлигини амалга оширишда гумон қилинаётган шахсларни сўроқ қилади.

9-модда **Ишлар, ҳужжатлар ва гувоҳлар/экспертлар**

1. Агар нусхаларнинг мавжудлиги кифоя қилмаса, ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалари сўраб олинади. Махсус сўровга кўра, бундай ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг нусхалари лозим тарзда тасдиқланади.

2. Бериб турилган ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалари дарҳол қайтарилиши шарт. Сўровга биноан судга тақдим этиш ёки шу каби бошқа мақсадлар учун зарур бўлган ҳужжатлар кечиктирмай қайтарилиши шарт.

3. Ушбу Битимда кўрсатилган ҳужжатлар худди шу мақсадда исталган шаклдаги компьютер ахбороти билан алмаштирилиши мумкин. Ахборотни талқин қилиш ёки шарҳлаш бўйича барча зарур материаллар бир вақтнинг ўзида тақдим этилади.

4. Бир маъмуриятнинг сўровига биноан бошқа маъмурият ўз ихтиёрига кўра ўз ходимларини бошқа Томон давлати ҳудудида олиб борилаётган жиноий ёки маъмурий ишда гувоҳ ва/ёки эксперт бўлиб иштирок этиш учун вакил этиб тайинлаши ҳамда уларни бажаришда муҳим аҳамият касб этадиган ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материаллар ёхуд уларнинг тасдиқланган нусхаларини тақдим этиши мумкин. Бундай сўровда суд бўлиб ўтадиган вақт,

унинг жойи ҳамда тури, шунингдек ходимларнинг ким сифатида иштирок этишлари кўрсатилади.

5. Бир Томон божхона маъмуриятининг расмий шахслари ушбу Битимда кўзда тутилган ҳолатлар юзасидан бошқа Томон давлати ҳудудида бўлган чоғларида улар ҳар қандай вақтда ўз расмий ваколатларини исботлай олишлари лозим. Бу жойда улар бошқа Томоннинг амалдаги қонунларига мувофиқ, божхона мансабдор шахслари фойдаланадиган муҳофаза даражасидан фойдаланадилар ва йўл кўядиган қоидабузарликлари учун жавобгар бўладилар.

10-модда **Харажатлар**

1. Томонлар ушбу Битим қоидаларини бажаришга алоқадор харажатлар қопланишини талаб қилишдан воз кечадилар, аммо давлат хизматчиси бўлмаган гувоҳларни жўнатиш, экспертлар ва таржимонларга ҳақ тўлашга боғлиқ харажатлар бундан мустасно.

2. Агар сўровни бажариш хийла катта сарф-харажатни тақозо этадиган бўлса, Томонлар уларни бажаришнинг шарт-шароитлари ҳамда харажатлар қопланиши тарзини маслаҳатлашиб оладилар.

11-модда **Кўмаклашишнинг алоҳида ҳоллари**

1. Сўралаётган маъмурият Сўровчи маъмуриятнинг сўровига кўра ўз имкониятларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни махсус назорат қилади:

а) Сўровчи маъмуриятнинг мамлакатига юборилган, бироқ у ноқонуний юргизилаяпти деб ҳисоблаётган товарларни;

б) Сўралаётган маъмурият давлати ҳудудида ҳуқуқбузарликни амалга оширишда фойдаланилган деб гумон қилинаётган транспорт воситаларини;

с) божхона ҳуқуқбузарлигини амалга оширгани аниқланган ёки шунда гумон қилинаётган конкрет шахсларни;

д) Сўровчи маъмурият бошқа Томон давлати ҳудудида божхона ҳуқуқбузарлигини амалга оширишда фойдаланилаяпти деб гумон қилган биноларни.

2. Томонларнинг божхона маъмуриятлари бир-бирига бошқа Томон ҳудудида ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган фаолият тўғрисидаги ахборотни бериб турадилар. Бошқа Томоннинг иқтисодиёти, одамлар саломатлиги, жамоат хавфсизлиги ва бошқа ҳаётий муҳим манфатларига хийла катта зиён етиши мумкин бўлган ҳолларда бундай ахборот сўровсиз юборилади.

3. Божхона маъмуриятлари ўз миллий қонунларига мувофиқ равишда, ўзаро ахдлашув ва келишув бўйича ўз тегишли давлатлари ҳудудида ноқонуний юргизилишга жалб этилган товарларнинг импорти, экспорти ва транзити юзасидан биргаликда чоралар кўриши мумкин. Бундай ҳамкорлик шу хилдаги товарларни назорат остида ўтказишга рухсат беришни ҳам ўз ичига олади.

12-модда

Битимни қўллаш ва низоларни ҳал этиш

1. Томонлар уларнинг божхона маъмуриятлари қўйидагиларни амалга оширишига розидирлар:

а) ушбу Битимдан келиб чиқадиган масалаларни ҳал этиш учун бево-сита алоқани йўлга қўйишлари;

б) маслаҳатлашув ўтказилганидан сўнг ушбу Битимни бажариш учун ҳар қандай маъмурий кўрсатмаларни ишлаб чиқишлари; ҳамда

с) ўзаро келишувга кўра, ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллашга оид ҳар қандай баҳсли масалаларни кўриб чиқишлари.

2. Ҳал этилмаган баҳсли масалалар дипломатик каналлар орқали бар-тараф қилинади.

13-модда

Қўшимчалар

Ушбу Битимга қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши мумкин. Улар ало-ҳида баённомалар тарзида ёки дипломатик ёзишмалар билан расмийлашти-рилади ва ушбу Битимнинг таркибий қисми ҳисобланади.

14-модда

Кучга кириши ва фаолиятининг тўхтатилиши

1. Ушбу Битим уни кучга киритиш учун зарур давлат ички процедура-лари бажарилгани тўғрисида дипломатик каналлар орқали охириги хабар олинганидан сўнг 30 кун ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Битимнинг муддати чекланмаган. Томонлардан биронтаси дип-ломатик каналлар орқали бошқа Томонни ушбу Битим фаолиятини тўхта-тиш тўғрисидаги ниятидан ёзма равишда хабардор қилганидан сўнг уч ой ўтгач у ўз фаолиятини тўхтатади. Ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугаган пайтда яқунланмай қолган ишлар унинг қоидаларига мувофиқ яқун-ланади.

Исломобод шаҳрида, 2001 йил 25 январда икки нусхада, ўзбек ва инг-лиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Би-тимни талқин қилишда ҳар хилликлар келиб чиқса, инглиз тилидаги матн устувор кучга эга бўлади.

(имзолар)

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)
билан Немис стандартлаштириш институти (DIN) ўртасида
стандартлаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ***

Берлин, 2010 йил 17 май

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Немис стандартлаштириш институти, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

1996 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга Аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битим қоидаларига асосланиб;

Ўзбекистон Республикаси Бутун жаҳон савдо ташкилотига қўшилишга тайёргарлик кўраётганлигини эътиборга олиб;

Томонлар давлатларининг амалдаги қонунчилиги доирасида ҳамкорликдан келиб чиқувчи ўзаро манфаатдорликни ривожлантириш истагида;

ҳамкорликдан келиб чиқадиган ўзаро манфаатни англаб, умумий вазифалар ва имкониятлар доирасида

қуйидагилар ҳақида келишдилар:

1- модда

Мазкур Битимни амалга ошириш давомида Томонлар мос равишда Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси қонунларига амал қиладилар.

2-модда

Томонлар, савдодаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамда савдо муносабатларни ривожлантирилишини яхшилаш мақсадида Европа ва халқаро стандартлар асосида миллий стандартларни уйғунлаштириш соҳасида ҳамкорлик қиладилар.

3-модда

Томонлар, стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар доирасида, амалдаги халқаро ва европа стандартларини ҳисобга олган ҳолда Томонлар давлатларидаги миллий қонунчиликка асосан стандартлаштириш соҳасида ўзаро манфаатдор ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Ҳамкорлик қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

* Имзоланган кундан бошлаб кучга кирган.

— стандартлаштириш соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро алмашиш;

— стандартларни ишлаб чиқишнинг истикболли дастурлари ва режалари тўғрисида ахборот билан алмашиш;

— стандартлаштириш соҳасида маслаҳатлар, ахборот ва тажриба билан алмашиш;

— зарур ҳолларда, Томонларнинг миллий стандартлари, миллий стандартлар каталоглари ва даврий нашрлари билан алмашиш;

— иккала давлатдаги стандартлар ишлаб чиқувчи ташкилотлар ўртасида муносабатларни йўлга қўйиш;

— стандартлаштириш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳамкорлик қилиш;

— делегациялар, раҳбарлар ва мутахассисларнинг хизмат сафарлари билан алмашишни ташкил этиш.

4-модда

Мазкур Битим доирасида, ҳар қайси Томон, маҳсулотларни тайёрлаш ва хизматлар кўрсатишда бошқа Томоннинг стандартларини ҳамда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатларини қўллаши мумкин, агар амалдаги давлат қонунларига мувофиқ стандартлаштириш бўйича миллий идора томонидан киритилган тартибга зид бўлмаса.

5-модда

Мазкур Битим асосида қабул қилинган ҳужжатлар ёки маълумотларнинг махфийлиги учун мазкур ҳужжатни ва маълумотни қабул қилган Томон масъулдир.

Ҳужжат ёки маълумотни, учинчи тарафга, фақат уни тақдим этган Томоннинг розилиги асосида бериш мумкин.

6-модда

Мазкур Битим талабларини бажаришнинг молиявий шартлари, Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра амалга оширилади.

7-модда

Томонларнинг ўзаро келишувларига асосан, мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, алоҳида Баённомалар билан расмийлаштириладиган қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

8-модда

Мазкур Битим Томонлар қатнашадиган бошқа халқаро Битимлар ва Шартномалар асосида вужудга келадиган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди.

9-модда

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилишда юзага келган ҳар қандай келишмовчиликлар ўзаро маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

10-модда

Мазкур Битим Томонлар имзолаган кундан бошлаб беш йил муддатга тузилади ва Томонлардан бири Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида бошқа Томонга ёзма равишда 6 ой олдин хабар бермагунига қадар, ўз ўзидан кейинги беш йиллик муддатга узаяверади.

Ҳар бир Томон бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда Битимнинг амал қилишини тўхтатиши мумкин. Ушбу ҳолда Битим иккинчи томондан шундай ёзма хабар олган ойдан бошлаб (6) олти ойдан кейин ўз кучини йўқотади.

Битимнинг амал қилишини тўхтатилиши, мазкур Битим доирасида амалга оширилаётган тадбирларнинг амал қилиш муддатига ва жорий этиш вақтига ушбу тадбирлар тугалланмагунча таъсир этмайди.

Германиянинг Берлин шаҳрида 2010 йилнинг 17 май кунда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди. Мазкур Битимни талқин қилишда келишмовчиликлар пайдо бўлганда инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Ўмон Султонлиги
ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисида
БИТИМ**

Масқат, 2009 йил 5 октябрь

*Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 майдаги
ЎРҚ–243-сонли «Халқаро шартномани ратификация
қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган*

*(2010 йил 21 майдан кучга кирди)**

Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

ўзаро хурмат принципларига асосланган ҳолда ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш ва кучайтириш истагида,

БМТ Низомининг мақсад ва қоидаларига содиқлигини таъкидлаган ҳолда,

Икки мамлакат халқларининг тарихи, маданияти ва анъаналарининг яқинлиги, улар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига асос бўлишига ишониб,

куйдагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий соҳаларда алоқаларни икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик асосида ривожлантиришга интиладилар.

2-модда

Томонлар муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида, ўзаро манфаатларни ифодаловчи минтақавий ва халқаро масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказадилар ва фикр алмашадилар.

3-модда

Томонлар икки томонлама алоқаларда савдо ва иқтисодий ҳамкорликнинг аҳамиятини инobatга олган ҳолда, савдо ва иқтисодиёт соҳаларидаги ҳамкорликнинг турли шакллари ривожлантиришга интиладилар.

4-модда

Томонлар Ўзбекистон ва Ўмон халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, маданият, ахборот, илм-фан ва техника соҳаларидаги алоқаларни,

* Битим Ўмон Султонлиги томонидан ратификация қилинган Ўмон Султонининг 2009 йил 6 декабрдаги 2009/66-сон Фармони билан тасдиқланган.

спорт ва туризмни ривожлантиришда имкониятларни кенгайтиришга ва мустақамлашга кўмаклашадилар.

Ҳар бир Томон ўз давлатларининг миллий қонунчилигига амал қилган ҳолда, бошқа Томон фуқароларини асарлар тўпламлари, коллекциялар, маданий мерослар, архивлар, кутубхоналар, илмий-техникавий манбалардан ўзларининг фуқароларига нисбатан татбиқ этилган шартлар асосида фойдаланишини таъминлайдилар.

5-модда

Томонлар иқтисодий, илмий ва техникавий соҳаларда тажриба алмашадилар.

6-модда

Томонлар муштарак дастурлар доирасида иқтисодиёт, менеджмент, дипломатия соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда тажриба алмашиш, шунингдек профессор-ўқитувчилар, талабалар ва илмий гуруҳлар алмашинувини рағбатлантиришга келишдилар.

7-модда

Томонлар фуқаролик жамияти ташкилотлари, ишбилармонлар доиралари, илмий ва маданий жамиятлар ўртасида ҳамкорликни рағбатлантиришга ва икки мамлакат шаҳарлари ўртасида қўшма лойиҳаларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрадилар.

8-модда

Томонлар тарихий ва маданий меросни муҳофаза қилиш ишида ҳамкорлик қиладилар ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида маданият, тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ва санъат соҳаларида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

9-модда

Томонлар алоқа ва ахборот соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга келишдилар.

10-модда

Ушбу Битим қоидалари бошқа давлат манфаатларига, икки мамлакатнинг бошқа давлатлар билан имзолаган икки ва кўп томонлама битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларига дахл этмайди.

Ушбу Битим Томонлардан бирининг бошқа Томонни ушбу Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида дипломатик каналлар орқали сўнгги ёзма хабарномани олган кундан бошлаб кучга киради.

Битим Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғри-

сида дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилмагунча амал қилади.

Мазкур Битимнинг амал қилиши бошқа Томон тегишли нота олганидан олти ой ўтгандан кейин тугатилади.

Масқат шаҳрида 2009 йил 5 октябрда ўзбек, араб ва инглиз тилларида икки асл нусхада имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида дипломатик паспорт
эгаларининг ўзаро визасиз сафарлари тўғрисида
БИТИМ***

Тошкент, 2010 йил 9 июнь

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати бундан кейин «Ахдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашишни истаб,

фуқароларнинг визасиз ўзаро сафарлари учун шароитлар яратишга интилиб,

тенглик ва ўзаро қулайлик яратиш принципларига мувофиқ,

дипломатик паспортлар эгаларининг ўзаро визасиз сафарлари масаласи бўйича дўстона маслаҳатлашувлар йўли билан,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспортига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Хитой Халқ Республикасининг дипломатик паспортига эга бўлган Хитой Халқ Республикаси фуқаролари визалар расмийлаштирмасдан бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудига киришлари, чиқишлари ва транзит ўтиб кетишлари мумкин.

* Имзоланган кундан бошлаб кучга кирган.

2-модда

Ушбу Битимнинг 1-моддасида кўрсатилган Аҳдлашувчи Томонларнинг фуқаролари бошқа давлат ҳудудига Давлат чегарасининг халқаро ўтиш пунктлари орқали киришлари, чиқишлари ва ҳудудидан транзит ўтишлари ҳамда ушбу давлатнинг ваколатли органлари томонидан ўрнатилган тартибда зарур расмийлаштирувларни бажаришлари керак.

3-модда

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг фуқаролари бошқа Томоннинг ҳудудида бўлган вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига риоя этишлари зарур, бироқ тегишли халқаро конвенцияларда бошқача назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Ушбу Битимнинг 1-моддасида кўрсатилган Аҳдлашувчи Томонларнинг фуқаролари, агар улар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида 30 (ўттиз) кундан кўпроқ муддатга қолишни хоҳласалар, яшаб туришлари бўйича расмийлаштирувларни бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органлари томонидан ўрнатилган тартибда бажаришлари керак.

4-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ҳукуматларида вазирлар ўринбосарлари ва ундан юқори лавозимлардаги мансабдор шахслар ва шунингдек, генерал унвонига эга ҳарбий хизматчилар, агар улар бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига хизмат мақсадида кетаётган бўлсалар, дипломатик каналлар орқали тегишли Томоннинг розилигини олишлари ёки ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органларини бўладиган ташрифи ва унинг мақсади тўғрисида хабардор қилишлари керак.

5-модда

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг номақбул деб ҳисобланиши мумкин бўлган фуқароларининг киришини рад этиш ёки бўлиш муддатини чеклаш ҳуқуқларидан маҳрум қилмайди.

6-модда

Аҳдлашувчи Томонлар миллий (давлат) хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш мақсадида ёки Аҳдлашувчи Томонлар фуқаролари соғлиғига таҳдид туфайли ушбу Битимнинг амал қилишини вақтинчалик, қисман ёки бутунлай тўхтатишга бўлган ўз ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш ва уни қайта тиклаш тўғрисида Аҳдлашувчи Томонлар қисқа вақт ичида дипломатик каналлар орқали бир-бирини хабардор қиладилар.

7-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб

30 (ўттиз) кун давомида дипломатик каналлар орқали ушбу Битимнинг 1-моддасида кўрсатилган дипломатик паспортларнинг намуналари билан алмашадилар.

2. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битимнинг амал қилиш даврида дипломатик паспортларни алмаштириш ёки уларга бирор ўзгартишлар киритган ҳолларда улар жорий этилишидан 30 (ўттиз) кун илгари дипломатик каналлар орқали бошқа Аҳдлашувчи Томонга хабар бериши ва янги паспортлар намуналарини тақдим қилиши лозим.

8-модда

1. Ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб 30- (ўттизинчи) кун кучга киради.

2. Ушбу Битим номуайян муддатга тузилган. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битимнинг амал қилишини тугатишни талаб қилса, бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу ҳақида дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилинади. Ушбу Битим хабарнома олинган санадан бошлаб 90- (тўксонинчи) кун и ўз амалини тугатади.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг ёзма келишувига кўра ушбу Битимга ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Тошкент шаҳрида 2010 йил 9 июнда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ*

между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о взаимных безвизовых поездках владельцев дипломатических паспортов

Ташкент, 9 июня 2010 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Китайской Народной Республики, далее именуемые Договаривающимися Сторонами, желая способствовать дальнейшему развитию дружественных отношений между двумя странами,

* Вступило в силу с даты подписания.

стремясь к созданию благоприятных условий для взаимных поездок граждан,

в соответствии с принципами равенства и взаимного благоприятствования,

путем дружественных консультаций по вопросу взаимных безвизовых поездок владельцев дипломатических паспортов,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Граждане Республики Узбекистан, являющиеся владельцами дипломатических паспортов Республики Узбекистан, и граждане Китайской Народной Республики, являющиеся владельцами дипломатических паспортов Китайской Народной Республики, могут въезжать, выезжать и следовать транзитом через территорию другой Договаривающейся Стороны без оформления виз.

Статья 2

Упомянутые в статье 1 данного Соглашения граждане Договаривающихся Сторон должны въезжать, выезжать и следовать транзитом по территории другого государства через международные пункты пропуска через Государственную границу и выполнять необходимые формальности в порядке, установленном компетентными органами данного государства.

Статья 3

1. Граждане одной Договаривающейся Стороны во время пребывания на территории другой Договаривающейся Стороны должны соблюдать законодательство и законоположения другой Договаривающейся Стороны, однако, это не касается случаев, когда иное предусматривается соответствующими международными конвенциями.

2. Упомянутые в статье 1 данного Соглашения граждане Договаривающихся Сторон, если они намереваются пробыть на территории другой Договаривающейся Стороны более 30 (тридцати) дней должны выполнить формальности по проживанию в порядке, установленном компетентными органами другой Договаривающейся Стороны.

Статья 4

Должностные лица, занимающие в правительствах Договаривающихся Сторон должности от заместителей министров и выше, а также военнослужащие в звании генералов, если они направляются на территорию другой Договаривающейся Стороны в служебных целях должны по дипломатическим каналам получить согласие соответствующей Договаривающейся Стороны или информировать компетентные органы данной Договаривающейся Стороны о предстоящем визите и его цели.

Статья 5

Настоящее Соглашение не лишает Договаривающейся Стороны права запретить въезд или ограничить пребывание граждан другой Договаривающейся Стороны, чье присутствие на территории одной из Договаривающихся Сторон считается нежелательным.

Статья 6

Договаривающиеся Стороны сохраняют за собой право временно, частично или полностью приостановить действия настоящего Соглашения по причинам национальной (государственной) безопасности, охраны общественного порядка или угрозы здоровью граждан Договаривающихся Сторон. О приостановлении действия настоящего Соглашения, как и его возобновления, Договаривающиеся Стороны незамедлительно сообщают друг другу по дипломатическим каналам.

Статья 7

1. Договаривающиеся Стороны в течение 30 дней со дня подписания данного Соглашения по дипломатическим каналам обмениваются образцами дипломатических паспортов, указанных в статье 1 данного Соглашения.

2. В случае если одна из Договаривающихся Сторон в период действия данного Соглашения будет осуществлять замену дипломатических паспортов либо вносить в них какие-либо изменения, то она за 30 дней до этого должна по дипломатическим каналам информировать другую Договаривающуюся Сторону и предоставить образцы новых паспортов.

Статья 8

1. Настоящее Соглашение вступает в силу на 30 день после его подписания.

2. Настоящее Соглашение является бессрчным. В случае требований одной из Договаривающихся Сторон прекратить действия данного Соглашения, другая Договаривающаяся Сторона уведомляется об этом через дипломатические каналы в письменной форме. Настоящее Соглашение прекратит свое действие на 90 день со дня уведомления.

3. При письменном согласии Договаривающихся Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения.

